



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 86 (12.147)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Отабек Мирсоатов (ЎЗА) олғин сурат

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

### ФАРОВОН КУНЛАР ШУКРОНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан «Авлодлар учрашуви» маърифий тадбири ҳам айнан Хотира майдонида ташкил қилинди. Унда, уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳарбийлар, фан, маданият соҳалари вакиллари ва талаба-ёшлар иштирок этдилар.

Мустақиллик йилларида халқимиз маънавиятини юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар тарихимизни ўрганиш, урф-одатларимиз ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, ёшларни юртва садокат, истиқлол ғояларига эҳтиром кўрсатиш руҳида тарбиялашдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

9 майнинг Хотира ва қадрлаш куни сифатида ҳар йили мамлакатимизда кенг нишонланаётгани юртимизнинг тинчлиги ва фаровонлиги йўлида қурбон бўлган бобола-римизнинг ҳаёти, жасратини ҳамиша ёдда тутиш, кекса авлод вакилларига ҳурмат кўрсатиш, қадриятларимизнинг бардавомлигини ва муқаддас эканлигини таъминлашда муҳим омилдир.

Ҳар йили Хотира майдонида ташриф буюрсам қалбимни ҳаяжон ҳислари қамраб олади, — дейди Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси Миробод туманидан ташриф буюрган Абдулла Тазиев биз билан суҳбатда. — Чунки айнан шу мас-

**Хотира ва қадрлаш куни арафасида шаҳримиздаги Хотира майдони ҳар доимгиданда гавжум бўлади. Бу ерга Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганларни эслаш, улар хотирасига эҳтиром кўрсатиш ниятида ташриф буюраётган ҳамшаҳарларимиз ва чет эллик меҳмонларнинг қадами узилмайди.**

қанда ҳаётимизнинг энг қийин дамлари кўз ўнгимда намоён бўлади. Урушда ҳалок бўлган дўстларим ёди юрагимни ўртагандек таассурот қолдиради. Аммо шундай оғир кунларни уйлаб туриб, бугунги тинч ва осойишта кунларимизга шукроналар келтираман. Халқимиз фаровон яшамокда, дастурхонимиз тўкин, ёшларимиз учун барча имкониятлар эшиги очилган, бундан ортиқ бахт борми. Илоҳим Ватанимиз осмонида ҳамиша тинчлик кабуларлари учиб юрсин. Ёшларимиз келажакнинг ҳақиқий жонқуяр фарзандлари бўлиб камолга етсинлар.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бўлган Абдулло бобо бугунги кунда 88 ёшни қаршиламोकда. У фронтга жўнаганда эндигина ўн саккиз баҳорни қаршилаган эди. Кейинчалик Абдулло бобо мактабда ёшларга сабоқ берди. Айни пай-

тда эса фарзандлари, набиралари ва чеваралари қуршовада эъзозда яшаб келмоқда.

— Ватан осойишталиги ва озодлиги йўлида жон фидо этган аждодларимиз ёди ҳамиша қалбимизда, — дейди Тошкент Олий умумқўшун кўмондонлик билим юрти курсанти Сўҳроб Сирожов. — Юртимиз тинчлигини сақлаш, мустаҳкамлаш, кексаларга ҳурмат кўрсатиш, қадриятларимизни қадрлаш биз ёшларнинг вазифамиздир. Шундай жаннатмакон юртва соғ-омон, бахтли ҳаёт кечирар эканмиз, бу кунларнинг қадрига етмоғимиз, шу муқаддас заминимизни асраб-авайламоғимиз шарт эканлигини янада теранроқ англайверамиз.

Тадбирда Мотамсаро она ҳайкали пойга гуллар қўйилди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Хотин-қизлар кўмитаси, Молия секторини ривожлантириш агентлиги томонидан Германиянинг Халқаро ҳамкорлик бўйича омонат кассалари фонди билан ҳамкорликда «Молия соҳасидаги билимларни ошириш — Ўзбекистонда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий омили» мавзусида халқаро конференция ташкил этилди.

### ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Тадбирда Хотин-қизлар кўмитаси, пойтахтимиз ва туман ҳокимликлари, тижорат банклари, Савдо-саноат палатаси, Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вакиллари, шунингдек, Германия ривожланиш институтлари, жумладан, Германия ривожланиш банки (KfW), Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ), Халқаро ҳамкорлик бўйича омонат кассалари фонди мутахассислари ҳамда экспертлари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг ўринбосари Ш.Ҳайдаровнинг айтишича, бизнесни муваффақиятли юритиш нафақат тадбиркорлик кўникмалари, балки кўп жиҳатдан молиявий-иқтисодий билимлар даражасига ҳам боғлиқ. Молия соҳасидаги билимларни кенгайтириш аҳолининг режалаштириш, маблағ жамғариш, қарз олиш, молия хизматларидан самарали фойдаланишга нисбатан иқтисодий билимларини ошириш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларга ўз даромадларини ҳимоя қилиш ва кўпайтиришга кўмаклашади.

Хорижий ҳамкорлар Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган эътиборни юксак баҳоламоқда.

Шарқий Германия бўйича Омонатлар кассалари жамияти президенти Клаус Фредрих Хольтманнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда жадал ривожлантириш, иқтисодиётни юксалтиришда уларнинг хиссасини янада ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Жаҳон таърибаси шуни кўрсатадики, ушбу секторни жадал тараққий эттириш пировардида иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Шунингдек, хорижий экспертлар яқинда қабул қилинган «Силавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этдилар. Оила аъзоларининг тадбиркорлик фаолиятига фаол жалб қилиниши аҳоли турмуш даражасини ошириш ҳамда барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга ёрдам беради, деб ишонч билдирдилар.

Конференцияда Ўзбекистонда аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш масаласи, Германиянинг ривожланиш институтлари билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш бўйича ҳамкорлик истиқболлари ҳам қўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Банклар ассоциацияси ва Германиянинг Халқаро ҳамкорлик бўйича омонат кассалари фонди ўртасида банк мутахассислари малакасини ошириш бўйича 10 ойлик курсларни ташкил этишга доир лойиҳани ҳамкорликда амалга оширишни кўзда тутувчи шериклик шартномаси имзоланди.

Маъзур лойиҳа кредит ташкилотларида аҳоли омонатларини кўпайтириш мақсадида миқозларга хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш ва аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишга йўналтирилган.

М.МАМЕТОВА,  
ЎЗА мухбири



### МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Адлия вазирлиги томонидан инсон ҳуқуқлари, тадбиркорлар, хорижий инвестор ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар манфаатларининг ҳимоя қилиниши, шартномавий-ҳуқуқий муносабатларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

• Чирчиқ шаҳрида Мудофаа вазирлиги қўшинларининг ҳарбий-амалий ва Олимпия спорт турлари бўйича бешинчи «Умумармия ўйинлари»нинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

• Мустаҳкам оила йилида Сурхондарё вилоятида етти хазинанинг бири — асарчиликни янада ривожлантириш учун 817 миллион сўмдан ортиқ имтиёзли кредит маблағлари ажратилиб, асарчилик бўйича 50 дан ортиқ фермер ва шахсий ёрдамчи деҳқон хўжаликлари ташкил этилади. Вилоят асарчилик уюшмасидан олинган маълумотларга кўра, ўтган йили воҳада 287 фермер, ўрмон ва шахсий ёрдамчи, деҳқон хўжалиқларида 16 минг 106 асалари усадан 230,7 тонна шифобахш маҳсулот — асал олинган. Жорий йилда ташкил этилаётган асарчилик хўжалиқларида 7 минг 625 уя асаларини парвартиш йўлга қўйилиб, жами 336,7 тонна асал етиштириш мўлжалланмоқда.

• Янгикўрғон туманидаги «Ота Самарқанд» фермер хўжалигида янги ишлаб чиқариш тармоғи — ипак газламаси тўқушга мўлжалланган цех ишга туширилди. Ровут қишлоғида фаолият бошлаган ушбу кичик корхонада айни пайтда 9 киши меҳнат қилаяпти. Улар қўлидан чиқаётган миллий мато — адреснинг «Бодом гули», «Кўёш», «Камалак», «Юлдуз» сингари нусхалари қисқа фурсатда ички бозорда ўз харидорларини топиб улгурди. — Маҳалламиз ёшларини ҳам бу ишга жалб этаяпмиз, — дейди тадбиркор Боситхон Отахонов. — Эндликда миллий маҳсулотларимизни экспорт қилишни мўлжаллаяпмиз.

### ЖАҲОНДА

• АКШнинг Сент-Луис (Миссури штати) шаҳридаги «Kigo»s» барида ўрнатилган айвон кулаб тушиши оқибатида бир киши ҳаётдан кўз юмган, юз нафардан зиёд одам эса тан жароҳати олган. Унинг кулашига кучли шамол сабаб бўлгани айтилмоқда. Фожа юз берган вақтда бар яқинидаги «Rusch Stadium» спорт аренасида ўтадиган бейсбол учрашувини томоша қилиш учун бу ерга тумонат одам тўпланган эди. Шаҳар ўт ўчириш департаменти томонидан маълум қилинишича, жабрланганларнинг ўн етти нафари касалхонага олиб кетилган. Юз нафарга яқинига эса воқеа жойида тиббий ёрдам кўрсатилган.

• Ҳиндистонда йирик йўл ҳаракати ҳодисаси содир бўлди. Мамлакатнинг Уттар-Прадеш штатида иккита автобуснинг тўқнашиб кетиши оқибатида 20 нафар йўловчи ҳаётдан кўз юмган, 30 нафари тан жароҳати олган. «Синьхуа» ахборот агентлиги хабарига кўра, тўқнашув юз бергач, ҳар икки автобус ҳам йўл четидаги жарликка кулаб тушган. Бахтсиз ҳодисанинг сабаблари ҳақида маълумотлар йўқ. Штат маъмурияти ҳалок бўлган йўловчиларнинг яқинларига 1000, тан жароҳати олганларга эса 500 АКШ доллари миқдорига товон пули тўлинишини маълум қилган.

• Перунинг шимол-шарқий соҳилларидан сақоқушлар жасадлари кўплаб топилган. Бу ҳақда «BBC News» хабар тарқатди. Манбага қараганда, улар сони 500 тани ташкил этади. Ҳозирча ушбу гайритабиий ҳодисанинг сабаблари номаълум. Мутахассисларнинг фикрича, қушлар бундан бир неча кун олдин нобуд бўлган. Ҳукумат мутахассислари маҳаллий аҳолини ушбу воқеадан саро-симага тушмасликка чақирган. Бу борада текширув ўтказилиб, унинг хулосаси маълум қилиниши билдирилган. Таажубли жиҳати, олдинроқ ушбу мамлакатнинг Ламбаек соҳилида 700 та дельфин жасади топилган. Ушанда уларнинг оммавий қирилишига номаълум вирус сабаб бўлган эди.

Куни кеча Тошкент шаҳар ҳокимлигида 2012 йилнинг I чорагида Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари иштирокида шаҳар фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Раҳмонбек Усмонов олиб борди.

Унда 2012 йилда иқтисодиётнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини таъминлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 январдаги мажлисида белгилаб берилган топшириқлардан келиб чиққан ҳолда жорий йилнинг I чорагида Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига оид қатор долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Кун тартибидagi «2012 йилнинг I чораги учун белгиланган макроиктисодий кўрсаткичларнинг бажарилиши, иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини таъминлаш, инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини жадаллаштириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш ва технология жиҳатдан янгилаш жараёнини жадаллаштириш ҳисобига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардорлигини ошириш, уларни экспорт қилиш ҳажми ва турларини кўпайтириш, ишлаб чиқаришни

маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги масала бўйича Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Фазлтидин Зияевнинг маърузаси тингланди. Жорий йилнинг I чорак якунига кўра, Тошкент шаҳрида

### Тошкент шаҳар ҳокимлигида САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

асосий макроиктисодий кўрсаткичлар бўйича изчил ўсиш суръатлари таъминланиб, кўзда тутилган аксарият прогноз параметрларининг бажарилишига эришилди.

Жумладан, 2012 йилнинг I апрель ҳолатига Тошкент шаҳрида 9670 та ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритиб, уларнинг 110 таси асосий йирик саноат корхоналари ҳисобланади. Ҳисобот даврида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш суръатлари белгилан-

ган прогнозга нисбатан 5,6 фоизга ортиги билан бажарилди.

Ўз ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 29 июлдаги «2011-2013 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги Қарорига асосан 2012 йилда Тошкент шаҳри бўйича 134 та худудий корхоналарда 311 та маҳаллийлаштириш лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Асосий капиталга инвестициялар ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 54,8 фоизга ўсган.

Ҳисобот даврида хорижий инвестициялар иштирокидаги жами 36 та инвестицион лойиҳа якунланиб, ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилган.

Саноат салоҳиятини ошириш, истиқболсиз корхоналарни таркибий ўзгартариш, молиявий соғломлаштириш ёки тугатиш бўйича худудий дастурга мувофиқ 2010-2012 йилларда жами 58 та лойиҳани амалга ошириш мўлжалланган. Жорий йил ҳисобот даврида 56 та лойиҳа якуланди ва 881 та янги иш ўринлари яратилди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш ҳисобига 11317 та янги иш ўринлари ташкил этилиб, белгиланган режа 101,3 фоизга бажарилди.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан озиқ-овқат маҳсулотлари, кимё саноати маҳсулотлари ҳамда хизматлар импорти 1,2 баробар, энергия ресурслари импорти эса қарийб 5 баробар ортган.

(Давоми 2-бетда)

### ҚИСКА САТРАПДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Учтепа туманидаги «Кўркамбод» маҳалласида ўтказилган давра суҳбати «Оила мустаҳ-

камлиги маҳалла осойишталигини таъминлайди» деб номланди. Унда ўсиб келаётган авлодни миллий қадриятларга эҳтиром, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш борасида фикр юритилди.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Камолот» ЁИХнинг «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ёшлар интилишини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган лойиҳаларига

бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон амалий санъат музейида Халқаро музейлар куни муносабати билан «Аъналар» — кеча ва бугун» мавзусида кўрсатма очилади.

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Кичик бизнес субъектларига 1778 лойиҳа бўйича 435,1 млрд.сўм миқдорда кредитлар берилган, шу жумладан 31,2 млрд.сўм микрокредитлар ажратилган. Кичик бизнес субъектлари томонидан 189,7 млн. АҚШ доллари миқдордаги маҳсулот ва хизматлар экспорт қилиниб, умумий экспортда 17,8 фоизни ташкил этди.

Йиғилишда, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатлари маълум маънода пасайган баъзи йирик саноат корхоналарини соғломлаштириш, зарар кўриб ишлаган корхоналар сонини кескин қисқартириш юзасидан тегишли чоралар кўриш белгиланди.

Кун тартибидagi «Муҳандислик коммуникацияларини, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, коммунал хўжалигида ислохотларни амалга ошириш, кўрсатилган коммунал хизматлар бўйича юзага келадиган қарздорликни қисқартириш ва кўрсатилган хизматларни ҳисобга олишнинг замонавий тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»га масала бўйича Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Раҳмоновнинг ҳисоботи тингланди.

Таъкидлаш жоизки, Тошкент шаҳрида коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ислохотларни амалга ошириш, иқтисодиёт тармоқларини 2012-2013 йиллар куз-қиш мавсумида барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида, жорий йилнинг 1 чорагида авваламбор ўтган қиш мавсуми тажрибасини ҳисобга олиб барча коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари ўз тасарруфидаги муҳандислик тармоқлари ва жиҳозларни иссиқлик мавсуми якунланиши биланоқ тўлиқ хатловдан ўтказиб, Худудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси билан биргаликда 2012-2013 йиллар қиш мавсумига тайёргарлик чора-тадбирлар Дастури ишлаб чиқилди.

Мазкур Дастур бўйича коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан жорий йилда жами 27 та иссиқлик қозонларини капитал ва 535 тасини жорий таъмирлаш, 21 км иссиқлик, 12 км совуқ сув ва 16,9 км газ қувурларини капитал таъмирлаш ва қайта ётқизиш, 453,5 км иссиқлик ва 50 км совуқ сув ҳамда 289,5 км оқова сув қувурларини жорий таъмирлаш, 250 дона трансформатор пунктларини капитал ва 500 тасини жорий таъмирлаш ишлари белгилаб олинган.

Бундан ташқари, шаҳримиздаги барча ижтимоий соҳа объектлари (мактаб, мактабгача таълим муассасалари, коллеж ва лицейлар, тиббиёт муассасалари) хатловдан ўтказилиб, улар бўйича ҳам чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Унга қўра жорий йилда 9 та мактаб, 21 та мактабгача таълим муассасалари ва 9 та ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини мукамал, 287 та мактаб, 426 та мактабгача таълим муассасалари, 15 та Мехрибонлик уйлари, 12 та тиббиёт муассасаларини жорий таъмирлаш, муассасаларда иссиқлик тизимини босим остида ювиш ва профилактик таъмирлаш, 52 минг кв. метр томларни таъмирлаш каби ишлар белгилаб олинган.

Ишлаб чиқилган Дастурларга қўра, 300 та кўп қаватли турар жойларда муҳандислик тармоқларини мукамал таъмирлаш режалаштирилган. Бугунги кунда 7 та уй таъмирланиб, 35 тасида ишлар бошланган.

Жорий йилда 184 та лифтларни алмаштириш режалаштирилган. Мазкур режанинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш мақсадида «Самарқанд лифт қурилиш» заводи билан тегишли шартнома тузилган.

Турар жойлар бўйича ўтказилган хатлов натижалари асосида жорий йилда 7041 та кириш йўлакларини жорий таъмирлаш, 630 та уйлarning фаолиятларини таъмирлаш, 722 та эскирган ёғоч эшикларни металл эшикларга алмаштириш, 446 та лифт кабиналарини жорий таъмирлаш, 194 минг кв.метр ички йўл ва йўлакларни асфальтлаш, 530 та бо-

лалар майдончаларини қуриш ва таъмирлаш ишлари белгиланган.

Бундан ташқари, марказий иссиқлик таъминотига уланган 8691 та кўп қаватли турар жойларнинг иссиқлик тизимларини босим остида ювиш ва профилактик таъмирлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилиб, бу ишлар тасдиқланган жадвал асосида амалга оширилмоқда ва бугунги кунга 2024 та турар жойда ишлар якунланган. Ишларнинг сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида жамоатчилик гуруҳлари тузилиб, ишлар якунланганда сўнг тегишли далолатномаларни тўлдирish ва масъул ходимлар бўйича электрон базани яратиш йўлга қўйилган.

Шаҳар худудида жойлашган кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатаётган хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини тубдан ўзгартириш, улардаги раҳбарларнинг билимини янада мустаҳкамлаш мақсадида, бугунги кун талабига жавоб бермайдиган ҳамда коммунал тўлов йиғимларини мақсадсиз сарфлаётган 481 та ширкат раҳбарларига нисбатан кескин чоралар кўрилди. Бугунги кунда 206 та ширкат раҳбарлари алмаштирилиб, янги раҳбарлар тайинланди.

Бошқарув сервис компаниялари томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш, хизматлар қўламини кенгайтириш ва мазкур соҳада рақобатни кучайтириш мақсадида жорий йилда шаҳримизда 83 та янги компанияларни ташкил

**Тошкент шаҳар ҳокимлигида**

**САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР**

қилиш, юзага келган авария ҳолатларини тезкорлик билан бартараф этишни таъминлаш мақсадида барча туманларда Чилонзор туманида фаолият юритиб келадиган «056» авария-диспетчерлик хизмати кўринишида хизматларни ташкил қилиш белгиланган.

Йиғилишда Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси бўш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Шерзод Раҳмонов «2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш параметрларининг сўзсиз бажарилиши учун барча даражадаги раҳбарларнинг масъулияти тўғрисида» ҳисобот берди.

Жумладан, юқорида қайд этилган дастурга мувофиқ жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида шаҳримизда жами 18690 та иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган бўлиб, ушбу кўрсаткич шу кунда 4383 та корхоналар қамровида 21208 тани ёки 113,5 фоизни ташкил этмоқда.

Шу билан бир қаторда касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Жорий йилда шаҳримиздаги 79 та касб-хунар коллежларини жами 38879 нафар талабалар битиради, уларнинг 26455 нафарини Тошкент шаҳрида доимий яшовчилар ташкил этади. Битирувчилар бандлигини таъминлаш борасида туман ҳокимликлари, мутасадди ташкилотлар раҳбарияти билан ҳамкорликда қатор ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2012 йил 29 февралдаги «Талаба-ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш тўғрисида»ги қарорига асосан, касб-хунар коллежлари битирувчилари 474 та йирик саноат корхоналарига бириктирилди ва уларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятлари йўлга қўйилди.

Юқоридаги қарор талабларидан келиб чиқиб, коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш юзасидан иш берувчи корхоналар билан тузилган

уч томонлама шартномалар қатъий назоратга олинди.

Йиғилишда хусусийлаштириш жараёнларига инвестицияларни жалб этиш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш ва бўш турган объектларни ишга тушириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳам муҳокама этилди. Ушбу масала бўйича Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи Исмат Нусуровнинг ахбороти тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банклар балансига сотиш бўйича Республика комиссияси» мажлисида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида, иқтисодий ночор 120 та йирик саноат ва хизмат кўрсатувчи корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича худудий дастур ишлаб чиқилди.

Унга қўра корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларидан оқилона ва тўлиқ фойдаланишни таъминлаш ҳамда янги ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш, корхоналарнинг бўш турган бино-иншоотлари негизида ишлаб чиқариш қувватларини техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда модернизациялаш, ишлаб чиқаришларни кенгайтириш ва ривожлантириш орқали жами 4438 та янги иш ўринларини яратиш белгилаб олинган.

Соғломлаштириш дастурига киритилган корхоналарда ишлаб чиқаришларни кенгайтириш ҳамда модернизациялаш ишларини амалга ошириш ҳисобига жорий йилнинг 1 чорагида 488 та янги иш ўринлари яратилди.

Шунингдек, йиғилишда «Ҳокимлик тизимидаги бошқарма ва туман ҳокимликларида ахборот-коммуникация технологияларини яна-

да ривожлантириш, улардан давлат органлари ва таълим муассасаларида фойдаланиш даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Компьютерлаштириш маркази раҳбари Маҳмуд Асомовнинг ҳисоботи тингланди.

Унда барча туман ҳокимликлари, ҳокимлик тизимидаги корхона ва ташкилотларда ҳужжат алмашиш электрон тармоққа уланишининг аҳамияти, ахборот-коммуникация технологияларини янада кўпроқ жорий этиш ва ривожлантириш, мутасадди раҳбарларнинг компьютер билими савиясини муттасил ошириб бориш шу куннинг асосий вазифаларидан бири эканлиги хусусида тўхталиб ўтилди.

Жумладан, туман ҳокимликлари, бош бошқармалар, корхона ва ташкилотлар ўртасида электрон ҳужжат алмашиш тизимини «Е-Нижат» дастури орқали амалга ошириш, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Tashkent.uz» расмий сайтини янада такомиллаштириш лозимлиги қайд этиб ўтилди.

Шунингдек, фаоллар йиғилиши кун тартибидagi масалалар бўйича «Тошкентшаҳаргаз» унитар корхонаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Т.Грабович, «Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» бош директори М.Икромов, «Тошиссиқлик-қуввати» ИЧБ бош директори вазифасини бажарувчи А.Нурмухамедов, «Сувсоз» трести раҳбари И.Маҳкамов ҳамда туман ҳокимларининг ахборотлари тингланди.

Бундан ташқари фаоллар йиғилишида коммунал тўловлар бўйича тегишли корхоналарнинг дебитор ва кредиторлик қарздорлигини камайтириш, маҳаллаларда кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, 2012 йилнинг 1 чорак якунлари бўйича ижро интизомини мустаҳкамлаш юзасидан амалга оширилган ишлар ҳамда 2012 йил мобайнида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларга оид масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Тошкент шаҳар фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими С.Бекенов иштирок этди.

**ТЕЖАМКОР ИШЛАБ  
ЧИҚАРИШ ДАСТУРИ**

**Тошкентда мамлакатимизда ишлаб чиқаришни бошқариш усулларини татбиқ этиш бўйича «Кайдзен-тежамкор ишлаб чиқариш» дастурига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда маҳаллий ва халқаро ташкилотлар, саноат ва консалтинг хизматларини кўрсатувчи компания вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.**

Савдо-саноат палатаси ташаббуси билан ўтказилган тадбирда Кайдзен- тежамкор ишлаб чиқариш дастурининг афзалликлари ва аҳамияти атрафлича муҳокама қилинди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, менежмент концепцияси ҳисобланган мазкур дастур ишлаб чиқаришни бошқариш жараёнларини такомиллаштириш, бизнесни оптималлаштириш жараёнига истеъмолчиларни жалб қилиш, маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат самарадорлиги ҳамда ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш, минимал капитал қўйилмалар билан маҳсулот таннархини камайтириш ҳисобига ишлаб чиқарувчиларнинг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини оширишга қаратилган.

— 2009 йилдан буён амалга оширилаётган дастурга асосан ўтган давр мобайнида турли семинар ва тадбирлар ўтказилди, — дейди Савдо-саноат палатаси ахборот хизмати ходими Дилфуза Рўзметова. — Унда юздан зиёд саноат корхоналари вакиллари иштирок этди. Шунингдек, республиканинг 12 та корхонасида «Кайдзен-тежамкор ишлаб чиқариш» тамойилларини татбиқ этиш бўйича пилот лойиҳаси амалга оширилди.

Дастурда сифатли консалтинг хизматларидан фойдаланиш имкониятларини ошириш ҳамда бизнес сектор вакиллари билан корхоналар бизнес жараёнларини унумли бошқариш ва «Кайдзен-тежамкор ишлаб чиқариш» тамойилларини татбиқ этиш бўйича хабардорлигини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётди. Ушбу тизим вақт, маблағ, товар, саъй-ҳаракатларни чиқариб ташлаш ёки камайтириш орқали маҳсулот таннархини камайтириш, товар ва хизматлар сифатини ошириш, маҳсулотни ишлаб чиқиш ва чиқариш бўйича харажатларни камайтиришга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Тадбирда дастурнинг муваффақиятли тамомлаган иштирокчиларга сертификатлар топширилди.

**САҲОВАТ ВА ЭЗГУЛИК  
МАРАФОНИ**

**Пойтахтимизда «Кўкрак беги саратони билан касалланган аёлларни руҳий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳасида саъй-ҳаракатларни бирлаштириш» мавзуда давра суҳбати бўлиб ўтди.**

«Ҳаёт учун!» кўкрак беги саратони миллий уюшмаси, АҚШнинг Сьюзен Комен номидаги кўкрак саратонига қарши кураш жамғармаси, Республика «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатылари, онкологлар, маммологлар, руҳшунослар, кўкрак беги саратони билан касалланган аёллар иштирок этди.

Йиғилишда сўнгги уч йил мобайнида мутахассислар ва жамоатчилик вакиллари, «Ҳаёт учун!» кўкрак беги саратони миллий уюшмаси саъй-ҳаракати билан аёллардаги онкологик касалликларни барвақт аниқлаш, ташхис қўйиш ва даволаш имкониятларини кенгайтириш жараёни фаоллашгани таъкидланди. Хайрия акциялари, концертлар, «Ҳаёт учун!» аёллар ҳамжамиятига йўналтирилган кимовиди савдолари шулар жумласидан бўлиб, уларнинг мақсади кўкрак беги саратони касаллигига жамоатчилик эътиборини қаратишдан иборат. «Ҳаёт учун!» хайрия форум марафони уюшманинг энг йирик оммавий лойиҳаси бўлиб, икки йил мобайнида унда республикамиз бўйлаб 38 минг киши иштирок этди. Турли лойиҳа ва акциялар доирасида юртимиз бўйлаб 15 минг нафар аёл бепул тиббий текширувдан ўтказилди.

Давра суҳбатида мазкур хасталикни барвақт аниқлаш ва ташхис қўйиш, реабилитация қилишда юртимизнинг онкологик муассасаларида руҳшунослар хизматини ташкил этиш, уларнинг эзгу фаолиятини қўллаб-қувватлаш лозимлиги таъкидланди. Бу борада аёллар билан суҳбат чоғида уларнинг психологик, ижтимоий, ҳуқуқий қийинчиликлар билан боғлиқ саволлари, хусусан, нафақа, ногиронликни ҳужжатлаштириш, оилавий муносабатларнинг ўзгариши, иш жойини сақлаб қолиш масалалари муҳокама қилинди.

Тадбирда кўкрак беги саратонига қарши курашга жалб этилган «Ҳаёт учун!» кўкрак беги саратони миллий уюшмаси, АҚШнинг Сьюзен Комен номидаги кўкрак саратонига қарши кураш жамғармаси, Республика «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассислари касалликни барвақт аниқлаш, хаста аёлларга қўмақлашиш, уларга психологик ва руҳий мадад бериш борасида амалга оширилаётган ишлар бўйича маълумот беришди.

«Туркистон-пресс»

**СИФАТ ОРТИШИДА  
МУҲИМ ОМИЛ**

**Кейинги йилларда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти замонавий дастгоҳдан бир нечасига эга бўлди.**

Трикотаж ўкув ишлаб чиқариш лабораториясига эса айлана игнадонли трикотаж машинаси ўрнатилди.

— Бундай машиналарнинг технология имкониятлари анча юқори, — дейди лабораториянинг катта механиги Зоир Турсунов. — Машинада механик ҳаракатлар даярилиб, Устига устак, у ҳаво ёрдамида ишлайди. Мойлар билан автоматик равишда мойланиб турилиши дастгоҳнинг шовқинсиз ишлашини таъминлайди. Маълумот учун шуни айтиш жоизки, мойнинг ишқаланиши натижасида дастгоҳнинг айрим қисмлари қизиб кетмайди. Бу орқали эса машинанинг тўхтамасдан ишлашига эришилади.

Яна бир афзаллиги шундаки, дастгоҳ бир дақиқада 40 марта айланмиш тегизлига эга бўлиб, 22 соатда 400-500 кило-

грамм мато олиш имкони мавжуд. Дастгоҳда дастурлар ойнаси ҳам борки, унинг орқали иш жараёнлари кўзга яққол ташланиб туради. Бундай қулайликлар айниқса магистрлик илмий ишини тайёрлашда ҳам намоён бўлмоқда.

Табий ипакни пахта иплари билан бирга трикотаж ишлаб чиқариш технологиясида қўллаш истеъмол моллари турларини кўпайтиришга ва сифатини яхшилашга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, дастгоҳда табиий ипак ва пахта калава ипларида қўшиб тўқиш асосида олинган маҳсулотлар «Ўзбекен-гиласаноат» корпорацияси мутахассислари эътиборини ўзига тортиди.

**Мақсуда ТУРСУНОВА,**  
**Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти катта ўқитувчиси**



**Ҳадемай ёзинг жазирама кунлари бошланади. Шундай дамларда одамларнинг жонларига шаҳримиз кўркига кўрк қўшиб турган фавворалар ора қиради. Гўзал ва бетакрор фавворалар бизларга олам-олам завқ бахш этади.**

**БИРИ-БИРИДАН ГЎЗАЛ  
ФАВВОРАЛАР**

Тарихдан маълумки, дастлаб фавворалардан ичимлик суви тозалаб берувчи восита сифатида фойдаланиб келинган. Кейинчалик эса, улар шаҳар майдонлари, сарой ва боғларни безаш, ҳавони салқинлаштириш воситаси янглиғ қўлланилган.

— Тошкент шаҳридаги илк фаввора 1890 йилда бунёд этилган, — дейди «Ташгипро-

гор» очиқ акциядорлик жамияти архитектори Нодир Алимов. — Пойтахтимизнинг театр майдонидаги кўзни яшнатувчи фаввора 1947 йилда қурилган. Айниқса, Мустақилликка юз тугтанимиздан кейин қўллаб шаҳримизда бетакрор замонавий фавворалар бунёд этилди.

Бугунги кунда пойтахтимизда 60 дан ортиқ турли услубларда қурилган фавворалар мавжуд. Масалан, Миллий боғ, «Интерконтиненталь» меҳмонхонаси, Дархон мавзесидаги «Фарбий соҳил савдо мажмуаси»нинг фавворалари кечки пайт шаҳарликларга олам-олам завқ-шавқ беради.

Фаввора ён-атрофга салқинлик таратиб, ҳавони 3-6 даражага пасайтириши мумкин. Ҳозирда шаҳримиз гўшаларида янги шакл ва ўзгача тароват бахш этадиган фаввораларни бунёд этиш ишлари олиб борилмоқда.

**Ақбар АЛИЕВ**



2012 йил — Мустақкам оила йили

**СОҒЛОМ ОИЛА — СОҒЛОМ ЖАМИЯТ АСОСИ**

**Мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунлариданоқ Юртбошимиз раҳнамолигида миллат генофондини сақлаш ва янада яхшилаш, аҳоли орасида умр кўриш давомийлиги ва мустақкам турмуш даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётир.**

Бугунги кунда ушбу эзгу мақсадларни ҳаётга табиқ этиш, интеллектуал салоҳияти кучли, ақдан етук, маънан соғлом, жисмонан бақувват авлодни тарбиялаш, оила институти мавқеи ва мустақкамлигини янада кучайтиришда давлат ва жамоат ташкилотларининг аҳамияти тобора ошиб бормоқда.

Жумладан, «Мустақкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш, оилалар мустақкамлиги ва аҳиллигини таъминлаш, уларнинг мунтазам равишда оилавий спорт билан шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратишга ҳисса қўшиш мақсадида Ўзбекистон Фанлар академияси бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси томонидан «Соғлом оила—соғлом жамият» шиори остида оилавий спорт мусобақалари ташкил этилди.

Унда Фанлар академияси тизимида фаолият юритаётган ёш олимлар, илмий ходимлар, ишчи-хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирок этди.

— Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Бирлашган касаба уюшмаси ташкилотидан олти мингга яқин касаба уюшма аъзолари фаолият юритади. Мақсадимиз ушбу ишчи-ҳодимларнинг оила аъзолари билан биргаликда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишларини кундалик турмуш тарзига сингдиришдан иборат, — дейди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси раиси Шерзод Жўраев. — Сабаби, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланган оиланинг ҳар томонлама мустақкам бўлиши табиийдир. Қолаверса, мунтазам жисмоний тарбия билан шуғулланган оилада ота-она соғлом бўлади, фарзандлар ҳам теран фикрлайдиган, жисмонан бақувват, соғлом ақл юритадиган бўлиб вояга етади.

Юқори кайфият ва кўтаринки руҳда ўтказилган оилавий спорт мусобақалари сўнггида голибларга ташкилотчилар ва ҳомийлар томонидан дипломлар ва эсдалик совғалари топширилди.

Садоқат АСЛАНОВА



**Спорт янгиликлари**

**ПОЙТАХТ ЖАМОАЛАРИ БЕЛЛАШДИ**

**Мамлакат XXI чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида уюштирилган 6-тур баҳслари, айтиш жоизки, анча мурасасиз ва қизиқарли курашлар остида кечди.**

Айниқса, ушбу турда ўтказилган «Локомотив» — «Пахтакор» жамоалари ўртасидаги баҳс ҳам қизиқарли ва мурасасиз кечди. Тенг ва шиддатли ўтган баҳснинг 52-дақиқасида меҳмонлар ярим ҳимоячиси Станислав Андреев рақиб дарвозасини аниқ нишонга олиб пахтакорчиларни ҳисобда олдинга олиб чиққан бўлсада, ушбу натижадан қониқмаган меҳмонлар 81-дақиқада Жабборов томонидан киритилган гол эвазига ҳисобни тенглаштириб олишди. Томонлар қолган дақиқаларда дарвозаларга кўп марта хавф солишларига қарамай 1:1 ҳисоби ўзгармай қолди.

Икки турдан бери галаба наҳидасини сура олмаётган амалдаги чемпион «Бунёдкор» жамоаси аъзолари бу сафар ўз муҳлислари кўнглини шод этишди. Ўз майдонларида Бекободнинг «Металлург» жамоаси билан куч синашган Миржалол Қосимов шогирдлари 90 дақиқа мобайнида устунлик қилишди ва баҳсни 3:1 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал этди. Голларни дарвозаларга «Бунёдкор»дан Солиев (2та), Карний, «Металлург»дан Нурматов киритишди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Машъал» — «Насаф» 0:0, «Кизилқум» — «Динамо» — 1:1, «Шўртан» — «Олмалик» — 1:1, «Навбахор» — «Бухоро» — 1:1, «Андижон» — «Нефтчи» — 1:0.

**ФИФАНИНГ ҚАРОРИ**

**Муҳлисларнинг ёдига бўлса 2010 йили Жанубий Африка Республикасида футбол бўйича уюштирилган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз, ФИФА рефериси Равшан Эрматов энг кўп — 5 та ўйинни бошқарган эди.**

Эндиликда ФИФА ижроия кўмитаси қарорига кўра 2014 йилда Бразилияда ўтказиладиган навбатдаги жаҳон чемпионати баҳсларини бошқариши мумкин бўлган ҳакамларнинг кенгайтирилган рўйхати эълон қилинди. Унга кўра ҳамюртимиз Равшан Эрматов ҳам ушбу рўйхатдан ўрин эгаллаган.

ФИФА бу борада Осиё футбол конфедерацияси, Африка футбол федерацияси, КОНКАКАФ каби федерациялардан 7 на-

фардан ҳакамни рўйхатга киритди. Энди Осиёдан Равшан Эрматов (Ўзбекистон), Али Ҳамд ал-Бадавий (БАА), Алиризо Фагоний (Эрон), Халил Иброҳим ал-Гамдий (Саудия Арабистони), Юичи Нишимура (Япония), Наваф Абдулла Шукрулло (Бахрайн), Бенжамин Жон Уилямс (Австралия) Бразилия яшил майдонларида жаҳон чемпионати баҳсларини бош ҳакам сифатида бошқаришлари мумкин бўлади.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ

**Пойтахтимизда дзюдо бўйича Осиё чемпионати якунланди. Мазкур нуфузли мусобақада қитъамизнинг 26 давлатидан 185 нафар спортчи Лондонда бўладиган XXX ёзи Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи рейтинг очколари учун кураш олиб боради. Шу бонс Тошкентга анчайин кучли жамоалар ташриф буюришди.**

**ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ЯКУНЛАНДИ**

Улар орасида жаҳон чемпионатлари ва Олимпиада ўйинларининг олтин медаллари соҳибларини учратиб мумкин. Халқаро дзюдо федерацияси ҳомийлигида Осиё дзюдо уюшмаси, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда мамлакатимиз дзюдо федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган бу галги Осиё чемпионати қитъамиз дзюдочиларига Олимпия ўйинларида қатнашиш учун рейтинг очколари берилади деган сўнги турнирдир.

— Ўзбекистонда спортни ривожлантириш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилаётгани ўзининг юксак самараларини бермоқда, — дейди Халқаро дзюдо федерацияси президенти Мариус Визер. — Мамлакатимизда маҳоратли спортчилар, хусусан, дзюдо усталари Олимпия ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, бошқа нуфузли мусобақаларда юксак натижаларни қайд этмоқда. Тошкент шаҳри мезбонлик қилаётган Осиё чемпионати ҳам юқори савияда ўтишига ишончим комил.

Уч кун давомида ушбу мусобақада эркаклар ва хотин-қизлар етти вазн тоифасида совринли ўринлар ва рейтинг очколари учун куч синаштишти. Мусобақа низомига кўра, ҳар бир вазн тоифасида битта мамлакатдан фақат бир нафар дзюдочи иштирок этди. Эркаклар ўртасидаги беллашувларда терма жамоамизга жаҳон чемпионати совриндорлари — Наврўз Жўрақонов, Дилшод Чориев, Мирзохид Фармонов, Одилжон Тўландибоев каби иқтидорли

ёшлар ҳам жалб этилди. 81 килограммгача бўлган вазн тоифасида Яхё Имомов бронза медални кўлга киритди. Яна бир юртдошимиз Дилшод Сориев финалда тожикистонлик Парвез Собировни мағлуб этган ҳолда олтин медалга эгалик қилди. Дзюдо бўйича 100 кг вазнда Осиё ўйинлари голиби Рамзиддин Саидов ҳам финалда Жавод Манжебдан устун келди. Жаҳон чемпионлари Ришод Собиров ва Абдулла Тангриев Осиё чемпионатининг жамоавий беллашувларида ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Хотин-қизлар мусобақасида мамлакатимиз шарафини Рима Бердикулова, Нодира Гулова, Наргиза Ҳамдамова, Ирода Матмуродова, Гулноза Матниёзова, Елена Могилна ҳамда Дилдора Убайдуллаева каби истеъдодли ёшлар ҳимоя қилди.

Ушбу чемпионатда ўзбекистонлик дзюдочилар ҳаммаси бўлиб 2 та олтин, 2 та бронза медалларига эгалик қилишган бўлса уларнинг тенгдошлари Жанубий корейлик ёшлар 4 та олтин, 1 та кумуш, 7 та бронза, японияликлар 3 та олтин, 5 та кумуш ва бронза медаллари, мўғулистонликлар эса 2 та олтин ва 5 та бронза медалларга эга чиқишди.

Умуман айтганда ҳулоса чиқаришга ҳали эрта, Лондондаги ёзи Олимпиадада дзюдочиларнинг узил-кесил рўйхатини Халқаро Дзюдо федерацияси (УФ) эълон қилади.

Раббонакул МУХТОРОВ

**Мутахассис маслаҳати**

**ОВҚАТЛАНИШ МЕЪЁРИНИ УНУТМАНГ**

**Инсоннинг бутун ҳаёти овқатланиш билан узвий боғланган. Агар одам маълум тартибда овқатланса, танадаги модда алмашинуви тўғри кечади, инсон танаси ҳар хил касалликларга чалинмайди, узоқ умр кўради ва ҳормай-толмай меҳнат қилади.**

ва бошқалар киради. Қимматсиз оқсиллар эса ўсимликлардан олинган махсулотлардан иборат.

Одам танасидаги ёғлар ҳам қувват манбаи ҳисобланади. Овқатланишни оқилона ташкил қилишда ёғларнинг сифатига ҳам катта эътибор бериш керак. Айниқса болаларнинг меъёрида ўсиши учун сариеғ, қаймоқ жуда ҳам фойдали. Чунки ёғлар яхши сингиш, ҳазм бўлиши билан бирга бола танаси учун қимматли ёгда эрувчи витамин А, Д га бой бўлади. Шу билан бирга ўсимлик ёғлари етарли бўлиши керак.

Шуни унутмаслик керакки, овқатни кўп еганда моддалар алмашинуви бузилиб, ортиқча ёғ тўпланиши натижасида киши семириб кетади. Овқатланиш тартибига амал қилмайдиганлар афсуски, кўп учраб туради.

**Абдуваҳоб ТОҲИРИЙ, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти «Соғлом турмуш тарзи» кафедраси катта ўқитувчиси**



**МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ**

**ШАРҚ ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАРИ**

Гапи кўпнинг иши кам бўлади.

\*\*\*

Куруқ сабрнинг ўзи кифоя эмас, ҳаракат ҳам керак.

\*\*\*

Қаноатсизлик кишини хор қилади.

\*\*\*

Тасодиф гоҳ омад келтиради, гоҳ кулфат.

\*\*\*

Ким имкон қидиради, ким таскин.

\*\*\*

Тушкунлик давоси — меҳнат.

\*\*\*

Меҳнатдан зўр ҳабиб йўқ, Меҳнатдан зўр табиб йўқ.

\*\*\*

Тер тўққан куруқ қолмас.

\*\*\*

Дарди йўқни тинглама.

\*\*\*

Такдирнинг такрорлангани ёмон.

\*\*\*

Учкун ўз-ўзидан алангага айланмайди.

\*\*\*

Меҳнат — буюк халоскор.

\*\*\*

Ҳаддини билмаган панд ейди.

\*\*\*

Бўйнида иллати борнинг бўйни қисик.

\*\*\*

Ўйлаб босилса қадам, Мақсадга етар одам.

\*\*\*

Ҳаёт кутилмаган воқеалари билан қизик.

\*\*\*

Ҳаётнинг қувончи ҳам, ташвиши ҳам одамлар билан.

\*\*\*

Тушкун одам ҳаётга бефарқ бўлиб қолади.

\*\*\*

Қониқиш туймасанг, ҳаётнинг қизиғи йўқ.

\*\*\*

Ўзининг мустақил фикрига эга бўлмаган киши ҳамманинг кўлида ўйинчок бўлади.

\*\*\*

Ким болаларидан топади, Ким болаларидан тортади.

\*\*\*

Ҳавас яшнатади, Ҳасад қақшатади.

\*\*\*

Ақл пул топишда керак бўлмаса ҳам сарфлашда керак бўлади.

\*\*\*

Узоқни кўзлаган атрофидаги майда-чуйдаларга эътибор бермайди.

\*\*\*

Ўзи интилмаган бошқага ҳам йўл бермайди.

\*\*\*

Кўли эгрининг кўнгли тўғри бўлмайди.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

**ЎЗГИДРОМЕТ** **Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 2 майда Тошкент шаҳри об-ҳаво шартлари**

**Узгидромет** **ХАБАР ҚИЛАДИ**

Тошкент шаҳрида 2 май кунги ҳаво ўзгариб туради, ёмғир, жала ёғади. Фарбдан секундида 3-8 метр тезликда, жала вақтида кучайган ҳолда секундида 15-20 метр тезликда шомол пасайиши тахмин қилинсади. Ҳарорат кечаси 14-16, кундузи 20-22 даража бўлади.

Тошкент шаҳри об-ҳаво шартлари зарарли моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имконият яратмади. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фоз пасайиши тахмин қилинсади. Ҳарорат кечаси 14-16, кундузи 20-22 даража бўлади.